

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ  
ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ

ИЛМИЙ-ТАҲЛИЛИЙ  
**АХБОРОТ**

النشرة  
العلمية التاليفية

SCIENTIFIC-ANALYTIC  
**BULLETIN**



3/2014

### Таҳрир кенгаши:

Абдуллаев Р.В. (бош муҳаррир)	и.ф.д., проф.
Абдуҳалимов Б.А.	т.ф.д.
Алиқулов Ҳ.	ф.ф.д., проф.
Аъзамхўжаев С.С.	т.ф.д., проф.
Иброҳимов Н.	фил.ф.д., акад.
Исломов З.М.	фил.ф.д., проф.
Камилов К.С.	ф.ф.н.
Махсудов Д.Р. (масъул котиб)	т.ф.н.
Мухтаров Т.А.	фил.ф.д., проф.
Назаров Қ.Н.	ф.ф.д., проф.
Шермухамедова Н.А.	ф.ф.д., проф.
Ҳасанов А.А.	т.ф.д., проф.

### Таҳрир хайъати:

Абдуллаев А.Ғ.	т.ф.н., доц.
Абдуллаев А.Б.	ф.ф.н., доц.
Акмалов Ш.И.	с.ф.н., доц.
Арипова З.Ж.	т.ф.н.
Валиев Б.Н.	ф.ф.н., доц.
Зоҳидов Қ.Т.	т.ф.н.
Мансуров А.Д.	
Муродов Д.	т.ф.н.
Оқилов С.Х.	т.ф.н., доц.
Содиқов З.	и.ф.н., доц.
Турсунов Н.Х.	техн.ф.н., доц.
Усмонов И.С.	т.ф.н., доц.
Раҳимжонов Д.О.	т.ф.н., доц.



### Мундарижа

Сўзбоши.....	3
<i>Динишунослик ва исломишуносликнинг долзарб масалалари</i>	
А.Абдуллаев. Қуръон тафсиридаги фарқли шарҳлар ҳамда уларнинг келиб чиқиш сабаблари .....	4
И.Бекмирзаев, Ф.Хуснутдинов. Церковная иерархия священнослужителей в христианстве.....	7
Ҳ.Аминов, Ў.Палванов. Саъдудин ат-Тафтазоний ашъарийми ёки мотуридийми? .....	12
М.Мусаев. Диний багрикенглик ва конфессиялараро ҳамкорликни таъминлашда Ўзбекистон тажрибаси .....	16
Ж.Нажмиддинов, Э.Алимқулов. Диний рамзларнинг мазмун-моҳияти ва талқини .....	21
Р.Урзова. "Маҳ Яшт" ва осмон жисмларининг зардуштийлик гоявий асосларидаги ўрни .....	25
Х.Сағдиев. Ақида илмига таъриф ва унинг хусусиятлари.....	28
Н.Алимова. Ислам в современных государствах Ближнего и Среднего Востока в условиях геополитической трансформации региона.....	34

### Мозий ва алломалар мероси

А.Саидов. Жиззах алломалари тазкираси (Муслим Атаевнинг "Жиззах алломалари" ва "Имом Уструшаний" китоблари ҳақида мулоҳазалар) .....	38
Э.Қобулов. Ўрта аср манбаларида Сурхон воҳаси сиёсий тарихининг ёритилиши .....	41
Н.Махмудова. К вопросу о роли и месте женщины-мусульманки в туркестанском обществе (по материалам отчетов сенаторской ревизии К. К. Палена) .....	45
Ф.Бобоев. Шарқий Бухорода совет тузумига қарши қуроли ҳаракат (1920–1923-йиллар).....	50
И.Азизов. Бухоро амирлиги закот солиғи масалалари даврий нашрлар саҳифаларида .....	53
Ж.Аҳмедов. Қўқон конлигидаги ўрданинг қурилиш ва таъмирлаш ишлари тарихидан .....	57
Д.Пирматов. Мотивы возвращения пророка в Медину .....	62

### Фалсафий ва ҳуқуқий масалалар

А.Ҳожиев. Легаллик ва легитимлик тушунчалари ўзаро нисбати.....	66
Ф.Каримов. Яқин Шарқ минтақаси давлатларидаги эътиқот озчиликларининг ижтимоий-сиёсий жараёнларга таъсири .....	69
Г.Махмудова. Навоий давлат кончилиқ институти "Ижтимоий-гуманитар фанлар" кафедраси катта ўқитувчиси Раъно Уразованинг "Зардуштийликдаги маъбудаларнинг тарихий-ижтимоий таҳлили" номи монографиясига тақриз.....	74

муҳолифатнинг фаолият юритиши ҳам қонуний ҳол ҳисобланади. Фикримизча, ҳар бир давлат ҳокимияти фаолияти таркибида унинг легитимлигини мустаҳкамловчи ва емирувчи омиллар мавжуд бўлиб, унинг айна бир пайтда қанчалик легитим эканлиги унинг фаолияти таркибида ҳокимият легитимлигини мустаҳкамловчи ва емирувчи омилларнинг қайси бири устунлик қилишига боғлиқ бўлади.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, легаллик ва легитимлик тушунчалари ўзига хос жиҳатлари билан фарқланади. Назаримизда, бу тушунчаларни қуйидагича фарқлаш мумкин, ҳокимият легитимлиги бу ўзида қуйидагиларни: а) аҳолининг ҳокимиятга тан олишини; б) ҳокимиятга қонуний ва адолат омили сифатида эътироф қилинишини; в) аҳоли кўз олдига ҳокимиятнинг обрў-эътибори мавжудлигини ифодалайди. Ҳокимият легаллиги эса, ўзида: а) ҳокимият қонунга мувофиқ юзага келгани; б) ҳокимиятнинг қонун орқали амалга оширилиши; в) ҳокимиятнинг ўзи қонунга бўйсунганини ифодалайди.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Амалга ошираётган ислохотларимизни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш – ёруғ келажакимизнинг асосий омилдир. Халқ сўзи. 7 декабр.
2. Melkevik B. *Légalité et légitimité : réflexions sur les leçons de Weimar selon David Dyzenhaus*. Les Cahiers de droit, vol. 40, n° 2, 1999.
3. Olivier Duhamel et Yves Mény, *Dictionnaire constitutionnel*, Paris, PUF, 1992.
4. Высоцкий А.Ю. Легитимность: анализ понятия // *Грани. – Д., 2003. – №1 (27)*.
5. Малько А.В. *Теория государства и права в вопросах и ответах*. М., 1999.

#### Аброр ҲОЖИЕВ,

Тошкент архитектура-қурилиш институти катта ўқитувчиси.



## ЯҚИН ШАРҚ МИНТАҚАСИ ДАВЛАТЛАРИДАГИ ЭТНИК ОЗЧИЛИКЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ- СИЁСИЙ ЖАРАЁНЛАРГА ТАЪСИРИ

**Таянч иборалар:** этник мансублик, этник озчилик ва кўпчилик, диаспора.

XX аср ўрталари ва XXI аср бошларида халқаро муносабатлар тизими ва жаҳон сиёсатида этник омил қатта ўрин тута бошлади. Сиёсатшунослик фанларида ушбу феномени ўрганиш муҳим объектга айланди. Сиёсий таҳлилчилар томонидан эса этносиёсий муносабатлар давлатларнинг нафақат ички, балки ташқи сиёсатида ҳам муҳим омил бўлиб бораётганлигини кенг миқёсда талқин қила бошланди.

Яқин Шарқ минтақаси этник жиҳатдан ўзига хос хусусиятга эга. Минтақада турли этносларнинг мавжудлиги, улар орасидаги мавжуд қарама-қаршиликлар минтақада барқарор сиёсий тизимни яратишни мураккаблаштиради. Энг муҳими, ушбу минтақадаги этносиёсий муносабатлар ўртасидаги муаммо ва зиддиятлар миллий ва хорижий сиёсатшунослар ва олимлар томонидан чуқур ўрганилмаган. Ваҳоланки, минтақадаги деярли барча можароларнинг негизида этносиёсий ва этноконфессионал муносабатлар ўртасидаги зиддиятлар ётади.

Яқин Шарқ минтақаси кўп миллатлиги билан бирга, дунёдаги йирик динлар: ислом, христиан ва яҳудий дин вакиллари учун ҳам муҳим аҳамият касб этувчи минтақа ҳисобланади. Айнан мазкур минтақада этно-конфессионал зиддиятларни кўп учратиш мумкин. Бундай қарама-қаршиликлар қайсидир маънода минтақа аҳолисининг этник генезисини шаклланишига ўз таъсирини кўрсатган ва кўрсатиб келмоқда. Шу боис, минтақадаги сиёсий вазиятнинг ўзига хос хусусияти шундаки, Яқин Шарқда нафақат этник муносабатлар, балки бир этносга мансуб бўлган халқлар ўртасида ҳамда ижтимоий-иқтисодий ривожланишда ва давлатлараро муносабатларда катта ўрин тутиб келган.

Айтиб ўтиш лозимки, минтақадаги этник озчилик, диаспора, этноконфессия ва жамиятдаги катта кучга эга этнослар ўртасида бўлиниш юзага келган бўлиб, ўзаро интеграцияга ўтишда ёки сиёсий жа-

биётларни ўқиш керак, деб билади. Эрзерум университетининг профессори Иброҳим Хвителиши "Мен ҳеч қачон она тилимни таҳдид остида бўлади деб ҳис қилмаганман. Лаз – грузин диалектикаси мактабларда ўқитилмаяпти. У фақат оғзаки тил бўлиб қолмоқда. Шунинг учун, биз грузин тилини ёдлашимиз керак. Фақат шу йўл билан ўз тилимизни сақлаб қолишимиз мумкин"<sup>15</sup>.

Туркиядаги лазлар Грузия томонидан кенг қўллаб-қувватланади. Грузиянинг экс-президенти М.Саакашвили 2004 йил Туркиядаги картвел тили аҳолиси Грузиянинг ривожланишига хизмат қилади, деб таъкидлаган эди. Шунингдек, Тбилиси туркиялик лазларнинг Грузия фуқаролигини олиш истаги борлиги тўғрисида жиддий муҳокама қилган<sup>16</sup>. Шу боис, Туркия лазлари Туркия-Грузия муносабатларини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Яқин Шарқда черкес диаспоралари минтақа давлатларининг ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим ўрин тутаяди. Черкес халқи XIX аср ўрталарида Яқин Шарққа Шимолий Кавказдан келган бўлиб, бунга Россия империясининг Кавказда олиб борган ҳарбий юришлари сабаб бўлган. Черкеслар Усмонли турклар империясида ҳарбий лавозимларда фаолият юритган. Тадқиқотчи Ф.Бадерхоннинг фикрича, черкеслар Усмонлилар империясининг ҳарбий юришларида ҳал қилувчи вазиятларда катта ўрин тутган. Усмонли турк империяси стратегик аҳамият касб этувчи ҳарбий-сиёсий режаларни ишлаб чиқишда черкесларни кенг миқёсда жалб қилган. Шунингдек, ташқи душман босқини ва ички тартибсизликларни бостиришда черкес ҳарбийларидан кенг фойдаланган<sup>17</sup>.

Ёш туркчилар даврида черкесларнинг ҳолати сезиларли даражада ёмонлашади. Империянинг кулаши ва янги давлатларнинг пайдо бўлиши даврида черкеслар орасида арабларни ва яҳудийларни

<sup>15</sup> Камраков А.А. Этноконфессиональные меньшинства в политическом процессе Большого Ближнего Востока: особенности институционального развития и диаспоральной деятельности. Дисс. к.п.н. Нижний Новгород, 2009. – С. 20-21.

<sup>16</sup> Камраков А.А. Этноконфессиональные меньшинства в политическом процессе Большого Ближнего Востока: особенности институционального развития и диаспоральной деятельности. Дисс. к.п.н. Нижний Новгород, 2009. – С. 20-21.

<sup>17</sup> Бадерхан Ф. Северокавказская диаспора в Турции, Сирии и Иордании. - М., 2001. – С. 27-28.

қўллаб-қувватловчи партиялар ташкил этилади. Шунингдек, кўплаб черкеслар ўша пайтдаги Яқин Шарқдаги фуқаролар урушида фаол қатнашади. Лекин, иккинчи жаҳон урушидан кейин черкеслар араб миллий озодлик ҳаракатини қўллаб-қувватлай бошлади<sup>18</sup>.

Сурия ва бошқа араб давлатлари ўз мустақиллигини эълон қилганидан сўнг, черкес диаспорасида янги давр бошланди. Черкеслар Сурия армиясида хизмат қила бошлади ва ҳатто араб-исроил урушида қатнашди. Баъзи маълумотларга қараганда, 1965 йил 3 та ўқчи гуруҳларни тузган ва офицерлар таркибида ҳам кўпчилиكنи ташкил этган<sup>19</sup>.

Иорданияга черкеслар 1903 йил кўчиб ўтишган ва маҳаллий бадавийлар билан тил топишган. Черкеслар Иордания мустақиллиги учун фаол кураш олиб борган. Ҳошимийлар қироллигининг ишончли гвардиясига айланган. Бир қанча черкеслар Иордания ҳукуматида юқори лавозимларни эгаллаган, парламентда ўз вакилларига эга бўлган ва махсус хизматларда фаолият кўрсатган. Масалан, черкес Саид ал-Муфтий 1950-йилларда Иордания бош вазири бўлган. Иорданиянинг биринчи милиция бошлиги ҳам черкес Омар Хикмет бўлган. 1940 йилда ИИВ вазири этиб черкес Аббос Мирзо тайинланган. Черкесларнинг юқори мартабаларга тайинланиши 1980 йилда Ҳошимийларнинг давлат амалдорларини араблаштириш сиёсати натижасида тугатилади<sup>20</sup>. Лекин, черкеслар ўз маданияти ва кадриятларини сақлаб қолди. Мамлакатда черкес тилида радио ва телевизион кўрсатувлар ташкил этилишига рухсат берилди.

Сурияда черкеслар 80 мингга яқин деб кўрсатилмоқда. Улар Шимолий Кавказдаги абхаз, адигей, догистон, чечен ва осетин халқлари билан қардошдир. Сурия черкеслари ўз маданиятларини сақлаб қолиш учун ўтган асрнинг 20-йилларида Черкес жамиятини ташкил этади. Ушбу жамият уставига "...черкеслар дўст ва бедуинлар билан жамиятни ягоналигини қўллаб-қувватлайди ва жами-

<sup>18</sup> Половинкина Т. Черкесия – боль моя. Майкоп, 2001. – С. 143-145.

<sup>19</sup> Левин З.И. Менталитет диаспоры. – М., 2001. – С. 49-52.

<sup>20</sup> Хавжоко Ш.М. Герои и императоры в черкесской истории. Нальчик, 1994. – С. 278.

